**НАФАҚА ТАЙИНЛАШНИНГ «БАҲОСИ»**

*Суриштирув чоғида инспекторнинг яна бир айби очилиб қолди. У 2010 йилдан 2013 йилгача бўлган даврда пенсия тайинлаш борасида мурожаат қилган бир қанча фуқароларга ҳам нотўғри ҳисоблаш орқали ортиқча пенсия пули ҳисоблаб берган экан.*

5 бет

**АЖАЛ МАШИНАСИ**

*Полат йўловчини чалғитиш учун рулни айланма йўлларга буриб, юра-юра пахта даласи четига келиб тўхтади. Ҳеч кимса йўқ, атрофни зулмат қоплаган жойга келиб қолганликларини кўрган М.Раимова ўзини икки йиртқич бўри қаршисида ожиз қолган қўзичоқдек ҳис этарди.*

7 бет


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2014-yil 20-fevral, №8 (893)


Ифтихор



# Ҳақиқий ҳаёт мактаби

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 20 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ тиббий кўрик, синов ва танловлардан муваффақиятли ўтган йигитлар ҳарбий хизматга тантанали равишда кузатилмоқда. Вилоят чақирув пунктларида бўлиб ўтаётган тантанали кузатиш маросимларида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ҳамда чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этишмоқда.***

Хусусан, бундай тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари ҳамда ота-оналар Ватанга хизмат ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи экани ҳақида сўзлаб, бўлажак аскарларнинг халқимиз осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги таъминлаш йўлидаги хизматларига муваффақият тиламоқдалар.

Шунингдек, юқоридаги қарорга мувофиқ муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган аскарлар уйларига қайтмоқда. Жойларда уларни тантанали кутиб олишга бағишланган маросимлар ҳам ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент марказий темир йўл вокзалида бўлиб ўтди. Ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, аскарларнинг ота-оналари иштирок этган маросимда миллий армиямиз ёшларимиз учун ҳақиқий ҳаёт мактабига айлангани алоҳида таъкидланди.

Ўз йигитлик бурчини муваффақиятли ўтаб қайтган аскарлар олий ўқув юртларига ўқишга киришда қўшимча балл олиш имконини берадиган тавсияномага эга бўлишаётир. Бундай тавсияномалар эса йигитларимизга ўқишга киришларида катта имконият яратмоқда.

Тантанали маросимда сўзга чиққан аскарлар давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга берилаётган имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланиб, ўзларига маъқул келган касб эгаси бўлишга ваъда беришди. Жумладан, ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган бу бахтга эришиш имкониятини яратиб берган Юртбошимизга миннатдорчилик билдиришди.

**Ўз мухбиримиз**

Тадбир

# Халқаро стандартлар асосида

**Азамат МАМАТҚУЛОВ,**
Бош прокуратуранинг ОЎК катта ўқитувчиси

***Бугунги кунга келиб, миллат ва ҳудуд танламайдиган одам савдоси жинояти инсоният олдидаги энг катта муаммолардан бирига айланди. Мамлакатимизда миллий қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқ билан мувофиқлашиб бориши билан қонун ҳужжатларининг такомиллашаётганлиги бевосита одам савдоси муаммосига қарши курашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, муаммога қарши курашишнинг ҳуқуқий асоси бўлмай туриб, уни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди.***

Жорий йилнинг 4-6 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази вакилларидан иборат мутахассислар гуруҳи Туркманистон Республикасининг Ашхобод шаҳрида "Одам савдосидан жабрланганлар ва ғайриқонуний равишда олиб кирилган мигрантларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини кўришда халқаро стандартларни қўллаш" мавзусида бўлиб ўтган минтақавий ўқув курсида иштирок этишди. Мазкур минтақавий ўқув курси 10 сессия ва 27 бўлимдан иборат бўлди.

Умуман олганда, минтақавий ўқув курси Марказий Осиё мамлакатларининг ихтисослашган юридик марказлари ва суд органлари билан амалий алоқалар ўрнатиш, суд ишларини юритиш ва одил судлов сифатини ошириш амалиёти тўғрисида батафсил маълумотлар олиш имконини берди.

Ўқув машғулотлари якунлари бўйича тажриба алмашиш, одам савдосидан жабрланганлар ва ғайриқонуний равишда олиб кирилган мигрантларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш борасидаги хорижий амалиётни ўрганишга, шунингдек, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фаолият

# Ҳуқуқий ва амалий ёрдам

**Бахтиёр БОБОҚУЛОВ,**
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

***Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар кўзланган натижани бермоқда. Мулкдорлик ҳуқуқини тасарруф этаётган аксарият деҳқон, фермер хўжаликларининг эгалари юқори ҳосил етиштириб, кўпроқ даромад олиш мақсадида астойдил меҳнат қилишяпти.***

Вилоят прокуратураси органлари томонидан фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида доимий ишлар олиб борилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан қонуний чоралар кўрилмоқда. Шунингдек, мурожаатлар кўриб чиқилиб, муаммолар ҳал этилмоқда.

Таҳлилларга кўра, фермер хўжаликларига узоқ муддатга ижарага топширилган ер майдонларини туман захирасига қайтариш, деҳқон хўжалиги учун ер ажратиб беришда Ер кодексининг 23-моддаси талабларига амал қилинмаган. Хусусан, Бағдод туман ҳокимининг қарорига асосан "Солиев Файзулло боғи" фермер хўжалигига тегишли 0,35 гектар суғориладиган ер майдони хўжалик раҳбарининг розилиги олинмай, туман захирасига ҳам қайтарилмасдан, фуқаро Б.Собировга деҳқон хўжалиги юритиш учун, 0,10 гектар ер майдони эса фуқаро О.Ғозиевга иссиқхона қуриш учун ажратиб берилган. Вилоят прокуратураси томонидан протест келтирилиб, ушбу қонунбузилиши ҳолатлари бартараф этилди.

Ёзёвон туман ҳокимининг қарорига биноан пахта-ғаллачиликка ихтисослашган "Озодбек" фермер хўжалиги билан тузилган ер ижара шартномасининг бекор қилинишига расман хўжалик раҳбари Қ.Марасуловнинг аризаси асос қилиб олинган. Ушбу қарорнинг қонунийлигини ўрганиш жараёнида ҳокимлик ҳузуридаги ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи комиссия котиби, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг бошлиғи Ю.Кўчқоров фермер хўжалиги раҳбарини мажбурлаб ариза ёздириб олгани аниқланиб, протест келтирилди. Котиб интизомий жавобгарликка тортилди. Туман ҳокимининг қарори бекор қилиниб, 73,3 гектар ер майдонининг фермер хўжалигига қайтарилиши таъминланди.

Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига ер майдонлари ажратиш, рўйхатдан ўтиш, ҳисоб рақами очишда, шунингдек, энди иш бошлаган ва фаолият кўрсатиб келаётган фермерларга банкдан кредит, иш ҳақи олишда, минерал ўғит, нефть маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги техникалари, лизинг асосида техника воситалари, чигит, уруғлик буғдой, омухта ем маҳсулотларининг ажратилиши ва етказиб берилишида, дебитор қарзларнинг ундирилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, Учкўприк туманидаги "Асқарова Меҳринсо" фермер хўжалиги раҳбари Ў.Кўшоқовнинг аризаси ўрганилганда, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" Фарғона вилоят филиали билан тузилган шартнома асосида тўлов амалга оширилганига қарамай, "ТТЗ-80-11" русумли чопиқ тракторини ололмаётгани аниқланиб, прокуратуранинг аралашуви билан унга янги трактор етказиб берилиши таъминланди.

Шунингдек, контрактация шартномалари асосида хомашё етказиб берган фермер хўжаликларига ҳақларини ундириб бериш чоралари ҳам кўрилди. Пахтасаноат тизимидаги пахта тозалаш корхоналари томонидан фермер хўжаликларига тўланмаган жами 3,2 млрд. сўм маблағни ундириш хусусида хўжалик судига даъво аризалари киритилди. Чунончи, "Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш заводи" ОАЖдан Фурқат туманидаги "Кудратилло" фермер хўжалигига етказиб берилган пахта хомашёсининг ҳақи, яъни 34 млн. 531 минг сўм ундириб берилди. Шунингдек, судга даъво аризалари киритилиб, пиллачилик корхоналаридан фермер хўжаликларининг 197 млн. сўмдан зиёд ҳақларининг ундирилиши таъминланди.

Прокуратура органларининг ташаббуси билан сўнгги икки йил мобайнида 50 нафар ёшлар раҳбар бўлган фермер хўжаликлари ташкил этилди. Уларга ер майдони, имтиёзли кредит, иш ҳақи, ёқилғи, техника воситалари, минерал ўғит, уруғлик олишларида амалий ёрдам кўрсатилди. Ушбу фермер хўжаликларида 820 киши, шу жумладан, 110 нафар касбҳунар коллежи битирувчилари меҳнат қилишмоқда.

*Судда судланувчи Чўли Амиров айбига тўлиқ иқрорлик билдирди ва Ўзбекистон-Туркманистон давлат чегараси яқинида бўлиб ўтган воқеа тафсилотини қуйидагича баён этди: Унинг беш ёшли "қорабайир" зотли оти 2012 йил декабрь ойида Туркманистон Республикасига ўтиб кетади.*

# Қорабайир ўзи қайтади

**Шерали АШИРОВ,**
Шаҳрисабз туман прокурори

От шунга ўрганган бўлиб, аввалдан қўшни давлат чегарасига ўтиб-қайтиб юрарди. Зеро, жониворлар учун "давлат чегараси" тушунчаси йўқ. Гарчи улар ҳам яшаб турган ҳудудларини маълум бир тарзда белгилаб олсалар-да, қадамлари етган жойни ўзлари учун дахлдор эмас, деб билмайдилар. Дунёдаги бирорта давлатда буни тақиқловчи қонун мавжуд эмаслигини билгандай, Чўли Амировнинг қорабайири ҳам иккала давлат чегарасидан ўтиб-қайтиб бемалол ўтлаб юрарди.

Чўли Амировнинг судда кўрсатма беришича, унинг оти қўшни распублика ҳудудида қулунлаган. Кейинчалик қулуни билан бир неча марта Ўзбекистонга ўтиб келган. Жониворнинг бундай "ташрифи"ни унинг соҳиби ҳар сафар фақат узоқдангина томоша қиларди. Чўли қорабайир билан унинг тойчоғини сув ичиш учун икки давлат чегараси бўлган дарё бўйига келишини кутади ва шу ерда уни ушлаб олишга қарор қилади. Ана шу мақсадда кўк қашқа отига минган Чўли Амиров ўғли Тошбой ва куёви Абдижалил билан бирга 2013 йил 12 апрель куни Деҳқонобод туманининг "Оқдаҳна" қишлоғидан йўлга тушади. Чегарага яқинлашганда ўғли билан куёви ўзлари миниб бораётган қизил қашқа ва қора қашқанинг жиловини дарё томон бурадилар. Дарёдан кечиб ўтиб, нариги соҳилда ўтлаб юрган қорабайир ва унинг қулунини ҳайдаб келиш тараддудида ҳаракат қилаётганларида туркман чегарачилари огоҳлантириш тариқасида овоз берадилар.

Айтиш жоизки, чегарани бузиш, яъни бир давлат ҳудудидан бошқа давлатга махсус рухсатномасиз ўтиш жиноят. Бундай ҳол 1999 йил 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари Тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 8-сонли Қарорининг 1-иловасига кўра, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Аммо Чўли Амировнинг яқинлари қонунга зид иш қилаётганларини билганлари ҳолда, Туркманистон ҳудудида ўтлаб юрган қорабайирни қайтариб келиш мақсадида чегарадан рухсатсиз ўтиб, отни қувлаб юрганларида, юқорида айтганимиздек, туркман чегарачилари уларни огоҳлантирадилар.

Тошбой билан Абдижалил чегара хизмати ходимларининг овозини эшитиб, улар томонидан қонуний чора кўрилишини англайдилар ва айланма йўллар орқали Ўзбекистон Республикасига қайтиб келаётганларида Деҳқонобод тумани ҳудудида хизмат вазифасини ўтаётган ҳарбий қисм хизматчилари томонидан тўхтатилади ва уларнинг хатти-ҳаракати тегишли тартибда расмийлаштирилади. Ўғли билан куёви Туркманистон чегарасида қорабайирни қувлаб юрганларида бизнинг чегарачиларимиз дарё соҳилида "от ови"ни кузатиб турган Чўли Амировнинг олдига келадилар ва унинг ҳаракатлари ноқонуний эканлигини тушунтириб, суриштирув ишларини олиб борадилар.

Шундай қилиб, судланувчи Чўли Амиров ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракати билан Жиноят кодексининг 28-, 223-моддаси 2-қисмининг "б" бандида кўрсатилган жиноятни содир этади. Унинг шериклари ҳам Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича айбдор деб топилди.

Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман суди 2013 йил 22 августда юқорида баён этилган жиноий ишни кўриб чиқиб, қонунбузарларга нисбатан жазо тайинлар экан, жиноят воситаси ҳисобланган уч бош отни давлат ҳисобига ўтказишни лозим топди.

Шундай қилиб, қўшни Туркманистон ҳудудида қулунлаган қорабайирнинг қайсарлиги туфайли азият чеккан ва қонунни бузган Чўли Амиров ва унинг яқинлари муносиб тарзда жазоларини олдилар.

Начора, жониворлар инсон учун яратилган қонунларга бўйсунмайдилар. Буни улардан талаб қилиб бўлмайди. Вақти келиб, қорабайир отхонасини қўмсайди ва ўзи қайтади. Биз инсонлар эса буни англашимиз ҳамда қонун доирасида ҳаракат қилмоғимиз даркор.

# Мақсад – тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш

*Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида улар жамият тараққиётининг мустаҳкам таянчига айланмоқда.*

**Азиз СОЛЕЕВ,**
СВОЖЖДЛҚҚ департаменти бўлим бош инспектори

Ушбу соҳа вакилларига турли имтиёзларнинг яратилаётгани эса уларнинг фаолиятини янада кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этаяпти. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бошқармалари томонидан мутасадди идоралар билан ҳамкорликда мунтазам равишда ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатлари бу эътиборнинг бир кўриниишидир.

Қайд этиш ўринлики, департаментнинг ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга, уларга берилаётган имконият ва имтиёзлар, қонунчиликнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича ўтказилаётган учрашувларда тадбиркорлар билан бирга, ёшлар ҳам фаол иштирок этишмоқда. Бундай тадбирларда уларга иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантиришда имтиёзли кредитларнинг афзаллик томонлари ҳақида банк ва молия муассасалари, солиқчилик тизимидаги қулайликлар ҳақида эса соҳа мутахассислари томонидан атрофлича маълумотлар бериб борилмоқда.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш натижасида яратилаётган янги иш ўринлари, тадбиркорлар фаолиятидаги сунъий тўсиқлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга барҳам бериш борасида жами 26 минг 389 маротаба профилактика ва ҳуқуқ тарғиботи тадбирлари олиб борилди.

Бу борада амалга оширилган ишларнинг натижаси сифатида 2 минг 200 дан зиёд тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ва амалий ёрдамлар кўрсатилиб, 4 минг 24 та янги иш ўринларининг яратилганлигини эътироф этиш мумкин. Масалан, биргина кўрсатилган амалий ёрдам натижасида Тошкент шаҳрида "Komila-Kamol Tex" корхонаси ташкил этилиб, 10 нафар фуқаро ишга жойлашди.

Учтепа туманида эса фуқаролар Х.Зияев ва М.Абдуқодировалар яширин равишда полиэтилен қоплар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келганлиги аниқланиб, уларнинг фаолиятига қонуний тус берилди, "Малика Зиё Сервис" МЧЖ ташкил этилди ҳамда 12 нафар фуқаро иш жойига эга бўлди.

Таъкидлаш лозимки, коррупцияга қарши курашишда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифа ҳисобланиб, бу борада мунтазам тезкор-таҳлилий тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тадбиркорларнинг қонуний фаолият кўрсатишига, уларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган суиистеъмолчиликлар ҳамда тамагирликларни фош этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини менсимаган, порахўрлик билан шуғулланган мутасадди идоралар ходимларига нисбатан бир қанча жиноят ишлари қўзғатилгани бунга мисол бўла олади. Бахмал туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари А.Муратов ва А.Мирфозиловлар олдиндан жиноий тил бириктириб, текшириш ҳақида буйруқлари бўлмаса-да, туманда солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган, хусусий фирмага тегишли бўлган ошхонанинг назорат-касса машинасини олиб, улар билан "келишиб" ишлашликни, акс ҳолда, текшириш ўтказиб, жаримага тортиш билан таҳдид қилиб, пора тариқасида пул олишни одат қилишган.

Ўтказилган тезкор тадбирда 200 минг сўм пулни пора тариқасида олаётган тамагирларнинг жинояти фош этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига айланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга тўсиқ бўлаётган турли хил суиистеъмолчиларнинг олдини олиш департамент органларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

# Амнистия туфайли оилалари бағрига қайтишди

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда. Хусусан, жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этаяпти. Қонунчилигимизда халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик тамойиллари ўз ифодасини топаётгани инсон манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари тақдимномасига асосан, 2013 йил 12 декабрда Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши инсонпарварлик тамойилининг яна бир ифодаси бўлди.*

**Қаҳрамон ИБРОҲИМОВ,**
Навоий вилоят прокурори ўринбосари

Мазкур ҳужжат нафақат демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг устувор тамойилларини, балки халқимиз минг йиллардан буён асраб-авайлаб келаётган қадриятларни, бағрикенглик ва мурувват каби олий фазилатларни ҳам ифодалайди.

Булар асосида айрим шахслар жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинади, айрим жиноят ишлари бекор этилади, тайинланган жазолар енгиллаштирилади. Бир сўз билан айтганда эса, хато қилган, қилмишидан пушаймон бўлганлар кечирилиб, уларга ҳаётларини тўғри йўлга солиш учун имкон берилади.

Бу эзгу ишлар замирида инсон тақдири ётгани боис, уни амалиётда қўллашда бирон-бир хатоликка йўл қўймаслик, тушунмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун амнистия тўғрисидаги актни қабул қилиш баробарида, мазкур ҳужжатни қўллаш билан боғлиқ низом ҳам тасдиқланиб, вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда амнистия тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш борасида вилоятда муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, вилоят прокуратураси ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни тўлиқ рўйхатга олиш, уларни ижтимоий ва маиший жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда фойдали меҳнатга жалб этиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижроси назоратга олинди. Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг маҳкумларга нисбатан татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида 2013 йил 25 декабрь куни вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларидан иборат таркибда ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг зиммасига қарорнинг ҳар бир маҳкумга нисбатан алоҳида, монеликсиз ва холисона қўлланилишини таъминлаш ҳамда бу жараёнда қонунбузилишларнинг олдини олиш вазифаси юклатилди.

/Давоми 4-бетда/

# Масъулиятсизлик

***Ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятида бош тамойил қонун устуворлигини тўла таъминлаш бўлиб, ушбу жараёнда қабул қилинган, қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатларнинг инсон манфаатлари йўлида хизмат қилиши унинг ижроси қай даражада бажарилишига боғлиқдир.***

**Комилжон ҲАСАНОВ,**
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Бухоро вилоят прокуратураси органлари томонидан "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан Бухоро Давлат тиббиёт институтида ўтказилган текширишларда масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий таълим муассасаси илмий салоҳияти нуқтаи назаридан республикада алоҳида мавқега эга. Аммо таҳлиллар институтда таълим сифатини ошириш, малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигини ҳам кўрсатди. Жумладан, сўнгги 3 йилда профессор-ўқитувчилар томонидан атиги 3 та дарслик, 1 та электрон дарслик ва 7 та ўқув қўлланма нашр этилган бўлиб, бу кўрсаткич 1500 нафардан ортиқ талаба ўқийдиган, 230 дан ортиқ профессор-ўқитувчи фаолият юритаётган салоҳиятли институт учун жуда кам. Шунингдек, мазкур даврда институтга бириктирилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун бирорта ҳам дарслик ва ўқув қўлланма яратилмаган.

Институтда илмий-педагогик ходимларнинг етишмаслиги, магистратура мутахассисликларининг шу йилгача мавжуд бўлмаганлиги сабабли институтни педагоглар билан тўлдириш мақсадида 25 нафар икки йиллик клиник ординатурани ҳамда 10 ойлик малака ошириш курсларини битириб келган врачлар ишга қабул қилинган. Лекин улардан етти нафарининг клиник ординатура бўйича мутахассислиги дарс бераётган фанига мос келмайди.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида истиқлолнинг ўтган даври мобайнида аҳамияти ва моҳияти жиҳатидан тиббиёт соҳасида эришилган улкан муваффақиятларга алоҳида тўхталиб, халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва салмоғини оширишда қилинган ишларни бирма-бир таъкидлаб ўтган эди. Дарҳақиқат, бугун медицинамиз тараққиёти ҳар қанча эътирофга лойиқ. Шундай экан, энди мазкур тиббиёт институтини тугаллаган шифокорнинг назарий билимлар даражаси юқори бўлиши лозимлиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорининг 8.5-бандида олий таълим муассасасининг ўқитувчиси магистр даражасидан паст бўлмаган олий маълумотга (дипломли мутахассисга) эга бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилганидан наҳотки институт раҳбарияти бехабар, дея ўйлаб қоласиз.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 30 майдаги буйруғи билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаси кафедралари тўғрисида"ги Низом талабларига зид равишда "Соғлиқни сақлашни бошқариш ва умумий гигиена" мутахассислик кафедрасида илмий даража ва илмий унвонга эга бўлмаган Н.Шарипованинг кафедра мудири вазифасига тайинланганини қандай изоҳлаш мумкин?

Сўнгги 3 ўқув йилида бакалавриатнинг 114 нафар (ўртача йилига 38 нафар) талабаси турли сабабларга кўра ўқишдан четлаштирилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ, талабанинг саралаш балидан паст ўзлаштириши рейтинг дафтарчасига қайд этилмаслиги кўрсатилган. Бироқ, "Хирургик стоматология" фани ўқитувчиси З.Раҳимов томонидан 10 нафар талабанинг семестр давомида тўплаган оралиқ, жорий ва якуний назорат рейтинг баллари қўйилиши ўрнига "киритилмасин" деган сўзлар ёзилган. Афсуски, бундай ҳолат жуда кўп қайдномаларда такрорланган.

Талабаларнинг давомати юзасидан ўтказилган таҳлиллар давомида ўқитувчилар томонидан ўқиш жараёнида бўлмаган талабаларга гуруҳ журналларида уларнинг дарсга қатнашгани, баъзи ҳолатларда баҳо қўйиб келинганлиги кузатилди. Жумладан, институтнинг даволаш иши таълим йўналиши талабаси Р.Ишкулова амалиёт даврида Россия Федерациясида бўлсада, унга амалиёт ўташ натижаси бўйича баҳо қўйилган. Талабалар Н.Керимова, А.Петровцева, М.Каримова, Н.Қувватова ва С.Нурмаҳаммедовалар турли сабаблар билан амалиёт ва дарс жараёнларида қатнашмаган бўлсалар-да, уларга нисбатан тегишли чора кўрилмай, амалиёт ўташ натижалари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари баҳолаб борилган. Дарсларда иштирок этмай туриб, диплом оладиган талабаларга шифокор бўлганларидан сўнг қандай қилиб инсон саломатлиги, ҳаётини ишониб топшириш мумкин?!

Институтда мавжуд таълим йўналишларининг дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминланганлик ҳолати таҳлил қилинганда, даволаш иши таълим йўналишида педиатрия фанининг ўқув дастурида кўрсатилган 5 та асосий дарслик ва ўқув қўлланмалардан институтнинг ахборот ресурс марказида фақат 1 таси мавжудлиги, олий ҳамширалик иши таълим йўналишида эса психологияга кириш фанининг ўқув дастурида кўрсатилган 5 та асосий дарсликдан бирортаси ҳам мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Жорий ўқув йилида институтни битирувчи 215 нафар талабанинг 87 нафаридан институтда ўқитилган асосий ихтисослик фанлари бўйича тест синовлари олинганда, уларнинг 19 нафари қониқарсиз баҳо олган.

Ўқув ишлари ўлда-жўлда бўлган институтда ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, қулай меҳнат шароитлари яратишда ҳам қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, Меҳнат кодексининг 84-моддасида дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозимлиги, бундай шартлашув бўлмаган тақдирда, ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган, деб ҳисобланиши белгиланган бўлишига қарамай, муассасанинг 2013 йил 16 октябрдаги буйруғи билан институтда меҳнат муҳофазаси бўйича 1-тоифали муҳандис вазифасида ишловчи Н.Ҳасановага гарчи у дастлаб ишга кирган вақтда (2010 йил 2 сентябрь)синовдан ўтган бўлса-да, яна 1 ой синов муддати билан 0,5 ҳисса ёнғин хавфсизлиги муҳандиси ўриндошлигига қабул қилинган.

Муассасанинг бош ҳисобчиси муовини А.Кенжаевнинг махсус маълумоти ва тайёргарлиги бўлмаса-да, унга институтнинг 2013 йил 8 июлдаги буйруғи билан махсус маълумот ва махсус тайёргарлик талаб қиладиган 0,5 ҳисса ёнғин хавфсизлиги инструктори вазифаси ўриндошлик асосида берилган. Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 80-моддасида махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга киришаётганда мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳноманинг ёки бошқа тегишли ҳужжатнинг тақдим этилиши лозимлиги қайд қилинган.

Текшириш натижалари шунингдек, институтда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя этилмаганлигини ҳам кўрсатди. Жумладан, мазкур қонуннинг 4-моддасида фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамиятга эга эканлиги белгилаб қўйилган бўлса-да, таълим муассасаси томонидан ушбу талаб бажарилмаган. Хусусан, институт ректори ва проректорлари ҳамда деканлар томонидан қабул қилинган фуқароларнинг оғзаки мурожаатлари юзасидан уларга жавоб хатлари юборилмаган.

Мамлакатимиз раҳбари Сурхондарё вилояти кенгашининг сессиясида таъкидлаганидек: "...бизга бўлаверади, деган қараш ҳукм сурган жойда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди, ҳамма нарса эскича қолаверади." Айни шу ҳақиқатни англаш учун қонун турткисини кутган тиббиёт институти мутасаддилари қонун олдида жавоб беришди. Зеро, қонун ҳар қандай ғайриқонуний ҳолатга муросасиздир.

# Инсонпарварлик тамойилларига асосан

***Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, 2013 йил 12 декабрда Олий Мажлис Сенати томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарор қабул қилинди. Ушбу ҳужжат нафақат демократик жамиятнинг устувор тамойилларини, балки азалдан амал қилиб келинаётган миллий қадриятларимиз ҳамда мурувват, бағрикенглик ва инсонпарварлик каби олий фазилатлар моҳиятини ҳам ўзида мужассам этган.***

**Азиз МУСАШАЙХОВ,**
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Дарҳақиқат, йиқилганни суяш, керак бўлса, унга яхшилик қилиш, умуман олганда эса, халқимизга хос ушбу тамойиллар юртимизда амалга ошираётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини ташкил этади. Шу маънода мазкур қарор фақатгина янглишиб жиноят содир этган шахсни жазодан озод этишни назарда тутмайди, балки унда жазодан озод этилган шахслар ҳаётда ўз ўрниларини топиб олишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳам белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, қарорда хусусан, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар ва чет эл фуқароларини жазодан озод этиш назарда тутилганлиги ўзи ҳам унинг нақадар инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларига асосланганлигини кўрсатади.

Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг очиқ ва ошкора қўлланилиши юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, Омбудсманнинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, ушбу гуруҳлар аъзолари жазони ўташ муассасаларига ташриф буюрмоқдалар, маҳкумлар билан суҳбатлашмоқдалар. Шу билан бирга, амнистия актини қўллашда қонунбузарлик, суиистеъмолчилик ҳолатларига йўл қўймаслик, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига путур етмаслигига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Энг асосийси, ушбу акт қўлланилгач, яъни содир этган қилмиши учун жиноят иши қўзғатилган ёки белгиланган жазо муддатини ўтаётган шахслар уйларига қайтганларидан сўнг, мутасаддилар томонидан уларга ҳаётда ўз ўрниларини топишлари учун зарур барча ишлар қилинмоқда.

Пойтахтдаги архитектура ва қурилиш бош бошқармаси лойиҳа ишларини ривожлантириш бўлимининг етакчи мутахассиси лавозимида фаолият юритган Баҳодир Ибрагимов ҳам нафсининг домига тушиб, енгил даромад орттиришни мақсад қилган эди. Учтепа туманида жойлашган ер майдонида қурилиши лозим бўлган икки қаватли бинонинг лойиҳасини чизиб беришни илтимос қилган фуқаролар М.Мирпайзиев ҳамда У.Музаффаровларнинг мурожаатидан унумли фойдаланишни кўзлаган етакчи мутахассис, лойиҳани архитектура ва шаҳарсозлик кенгашидан тасдиқлатиш учун у ердаги мансабдорларга "узатиш лозим"лигини айтиб, улардан 400 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олган вақтда қўлга олинади.

Суд мажлисида судланувчи Б.Ибрагимов "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорни қўллаб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишни сўраб, ариза тақдим этди.

Суд унинг аризасини муҳокама қилиб, Б.Ибрагимов муқаддам судланмаганлиги, шунингдек, ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисмининг 2-бандига асосан, агар эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга даҳлдор бўлса, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш лозимлигига эътибор қаратди ҳамда у айбланган жиноят юқоридаги амнистия қарорининг 6-банди таъсири доирасига тушишини ҳисобга олиб, судланувчининг айблилик масаласини ҳал этмай, унга нисбатан бўлган жиноят ишини тугатишни лозим топди.

Ҳа, ҳаёт фақат қувончлардан иборат бўлмай, унинг ўзига яраша қийинчиликлари ҳам бор. Кимдир шу қийинчиликларга дош беролмай, жиноят кўчасига кириб қолади. Амнистия актига биноан кечирилганлар ана шундайлар сирасига киришади. Уларни ҳукуматимиз кечирди. Ўз уйларига, оилалари бағрига қайтдилар. Уларнинг бундан кейин қандай яшашлари энди аввало ўзларига боғлиқ.

# Доимий назоратдаги масала

*Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан доимий равишда назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.*

Улуғбек ҚОСИМОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Мазкур йўналишда асосий эътибор пахта ва ғалла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатишда хўжасизлик, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, давлатга пахта, ғалла ва пилла сотиш бўйича контрактация шартномаларининг бажарилиши, фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 123 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра, 4663 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан фермер хўжаликларига 414,7 гектар ер майдони, 65,4 млн. сўм миқдоридаги дебитор қарзларни ундиришда амалий ёрдам кўрсатилди. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ва ноқонуний равишда ажратилган 414,7 гектар ер майдони қайтарилиб, 756 тонна минерал ўғит, 325 тонна нефть, 209,3 тонна чигит, 36 дона қишлоқ хўжалиги техникаси, 165,7 млн. сўмлик банк кредити, 201,2 млн. сўмлик иш ҳақи, 226,2 млн. сўмлик эҳтиёт қисмларнинг қонуний асосда ажратиб берилиши таъминланди.

Ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ер ажратишда суиистеъмолчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўймаслик борасида олиб борилган назорат тадбирлари натижасига кўра, 621 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, туман ҳокимларининг ер ажратиш тўғрисидаги 59 та ноқонуний қарорларига нисбатан протест келтирилиб, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида жойларга 35 та тақдимнома юборилди. Прокурор қарори ва тақдимномаси бўйича 16 нафар мансабдор шахс интизомий, 305 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 14 та жиноят иши қўзғатилиб, судларга 174 та даъво аризалари киритилди.

Хусусан, Сариосиё туман прокуратураси томонидан ўтказилган назорат тадбирларида туман ҳокимининг 2008 йил 14 ноябрь кунги қарори билан "Соҳиб Шоймардон" фермер хўжалиги бошлиғи Д.Одиловнинг ижара шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризаси асос қилиниб, 2006 йил 12 ноябрда тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси қонун талабларига зид равишда бекор қилинган ва 3 гектар боғ ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтарилган ҳамда 2008 йил 31 декабрь кунги қарор билан "Рустам Чавоғон" фермер хўжалигига қўшиб берилган.

Узоқ муддатли ер ижара шартномасини бекор қилишда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси 1- ва 6-бандлари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 32-моддаси 2- ва 4-хатбошиси талаблари бузилиб, қарор қабул қилинган, аризага эса фермер хўжалиги бошлиғи Д.Одилов эмас, балки унинг поччаси Х.Шоймардонов имзо қўйган экан.

Текшириш натижаси бўйича туман ҳокимининг қарори бекор қилиниб, "Соҳиб Шоймардон" фермер хўжалигининг ҳуқуқлари тикланди.

Қумқўрғон туман прокуратураси томонидан ўтказилган назорат тадбирида тумандаги "Абдураҳмон" фермер хўжалигига ижарага берилган ердан фуқаро Н.Холиёров 0,30 гектар, Ҳ.Ҳамраев 0,18 гектар, Ҳ.Ҳамраев 0,16 гектар, А.Ҳамраев 0,16 гектар ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, уй-жой қурганлиги аниқланиб, ер майдонларини қайтариш ва ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни буздириш ҳақида фуқаролик судига даъво аризаси киритилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда минерал ўғитни талон-торож қилиш ҳамда республика ҳудудидан четга ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича назорат тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, 2013 йилнинг ўтган даврида 14 та ҳолатда 30 млн. 241 минг сўмлик 61,90 тонна минерал ўғит, 49 та ҳолатда 99 млн. 488 минг сўмлик 101 тонна чигит, 34 та ҳолатда 182 млн. 236 минг сўмлик 19,9 тонна нефть маҳсулотини талон-торож қилиш ҳамда республика ҳудудидан ташқарига ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳолатлари аниқланиб, 53 та жиноят иши қўзғатилди ва 44 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Назорат тадбирлари давомида минерал ўғитнинг талон-торож этилиши ҳолатлари аниқланган. Хусусан, Денов туманида ўтказилган тадбирда фуқаролар А.Тоғаев ва Х.Худойназаровлар ўзаро тил бириктириб, М.Жахоновдан 12 қоп "аммиакли селитра" минерал ўғитни 480 минг сўмга сотиб олиб, автомашинада олиб кетаётган вақтда ушланганлар. Шу куни тумандаги Б.Юсупов маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Бердиевнинг яшаш уйи ва ёрдамчи хўжалик хоналари кўздан кечирилиб, М.Жаҳоновга тегишли яна 13 қоп "аммиакли селитра" минерал ўғити борлиги аниқланиб, ҳужжатлаштириб олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан М.Жаҳонов ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Узун туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда эса туманнинг "Қарашиқ" маҳалласида яшовчи фуқаро С.Толибовнинг яшаш уйи ва ёрдамчи хўжалик хоналари кўздан кечирилиб, 600 минг сўмлик мойжувоз ускунаси, 1060 кг. чигит ва 286,6 минг сўмлик 100 кг. пахта толаси ҳамда бошқа ускуналар, жами 2993,2 минг сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан С.Толибовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан прокурор назоратини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Узун туман прокуратураси томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган 19,24 гектар ер майдонларини фермер хўжаликларига қайтариш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманлараро судига 100 та даъво аризаси киритилди.

Шунингдек, тумандаги "Лайло" фермер хўжалигига исиқхона қуриш учун ОАТБ "Микрокредитбанк" Узун филиалидан 30 млн. сўм миқдорида кредит ажратилишида юзага келаётган муаммолар бартараф этилиб, кредит ажратилиши таъминланди.

Қизириқ туман прокуратураси томонидан ўтказилган назорат тадбирида тумандаги "Муҳаммад Бобур" фермер хўжалиги раҳбари Б.Муҳаммадиевга ОАТБ "Агробанк"нинг Қизириқ туман филиалидан 16 млн. 329 минг сўм кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Сариосиё туман прокуратурасининг аралашуви билан эса тумандаги "Хамрус" фермер хўжалиги раҳбари И.Ҳамзаевнинг "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси Сурхондарё филиалидан лизингга трактор олиб бериш ҳақидаги мурожаати ўрганилиб, унга техника олиб берилиши таъминланди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра, қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 87 та протест келтирилди. Қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида жойларга 258 та тақдимнома киритилди. 203 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилиб, 198 та нафарига интизомий, 1439 нафарига маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Судларга 9 млрд. 37 млн. 975 минг сўмлик 2410 та даъво аризаси киритилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 31 та жиноят иши қўзғатилди. 370 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

# Амнистия туфайли оилалари бағрига қайтишди

*(Давоми. Бошланиши 2-бетда)*

Амнистия тўғрисидаги қарор асосида шунингдек, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинди ва унга асосан, жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясини таъминлаш вазифасини бажарувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимлик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларидан иборат таркибда комиссиялар тузилиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Бундан ташқари, жамоатчилик назорати ва ошкораликни таъминлаш мақсадида Халқ депутатлари вилоят кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакили ва бошқа 18 нафар аъзодан иборат ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди.

Прокуратура органлари томонидан жойлардаги жазони ижро этиш муассасалари, суд ижро департаменти ва жазони ижро этиш инспекциялари, ИИБнинг терговг бўлими, бўлинма ва гуруҳларига чиқилиб, амнистия акти қўлланилиши кутилаётган маҳкумларнинг шахсий йиғма жилдлари, жиноят ишлари ва материаллари ўрганилиб, амнистия актини қўллаш юзасидан тегишли тавсиявий йўналишлар ва тушунтиришлар бериб келинмоқда.

Ҳозирда вилоят бўйича жами 4043 нафар шахсга нисбатан амнистия акти қўлланилди. Хусусан, Навоий махсус прокуратураси томонидан жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган 2528 нафар маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги тақдимномалар асосида судларга илтимосномалар киритилган бўлиб, уларнинг барчаси қаноатлантирилди. Жазодан озод этилган 282 нафар шахс оиласига қайтди.

Худди шундай вилоят ИИБ ҲООБ ЖИЭИ ҳисобида турган 470 нафар маҳкумга нисбатан амнистия қарорини қўллаш тўғрисида судларга илтимосномалар киритилиб, уларнинг барчаси судда кўрилиб, қаноатлантирилди.

Шу каби суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг жойлардаги туман, шаҳар бўлимлари ҳисобида турган жарима жазосига ҳукм қилинган 169 нафар шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисида илтимосномалар киритилиб, қаноатлантирилди.

Шу билан бирга, амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилган 156 нафар шахсга нисбатан 105 та жиноят иши бўйича 670,5 млн. сўмлик зарар аниқланган бўлиб, шундан дастлабки терговг жараёнида 581,9 млн. сўмининг ундирилиши таъминланди ва 3 та 13,3 млн. сўмлик зарарни ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилди.

Бундан ташқари, вилоятда амнистия акти қўлланилган шахслар учун 299 та иш ўринлари квоталанган бўлиб, бугунги кунда жазодан озод этилганлардан 84 нафари иш билан таъминланди ҳамда 102 нафари тиббий кўрикдан ўтказилиб, 93 нафарига жами 40 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам пули берилди.

Шу билан бирга, амнистия актининг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида жами 70 дан ортиқ тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз ташаббуси билан давлат ва жамиятнинг барча жабҳаларида кечаётган кенг қамровли либераллаштириш жараёнларига ҳамоҳанг тарзда эълон қилинган амнистия акти эркин фуқаролик жамиятига хос бўлган қадриятларни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлаётир.

# Нафақа тайинлашнинг «баҳоси»

*Зеби опа кўп йиллар Жомбой туман тиббиёт бирлашмасида фаррош бўлиб ишлади. У 55 ёшга тўлгач, ёшга доир пенсияга чиқиш мақсадида ишдан бўшади. 2013 йилнинг август ойида турмуш ўртоғи Абдуазиз ака билан туман бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига борди.*

Ғайрат ТОШНИЁЗОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Жомбой туман бўлими бошлиғи

Улар керакли ҳужжатларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими пенсия ва нафақаларни тўлаш гуруҳи 1-тоифали инспектори Малоҳат Маматқуловага узатаркан, нима мақсадда келганини айтишди. Инспектор ҳужжатларни кўздан кечириб, архивдан бир-иккита ҳужжат кераклигини тушунтирди. Шунингдек, у гап орасида:

— Бироз харажатини қилсангиз, пенсия пулини кўпроқ чиқартириб бераман, — деб шама қилди.

— Қанча харажати бор? — деб сўради Абдуазиз ака.

Аёл бармоғи билан ишора қилди.

— Юз минг сўмми?

— Юз минг нима бўлади, икки юз минг сўм, — деди инспектор.

Абдуазиз аканоилож рози бўлиб чиқиб кетди. Орадан икки-уч кун ўтгач, у сўраган ҳужжатларни олиб яна туман бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига келди.

— Айтган пулимни ташлаб кетсангиз яхши бўларди, — деди Малоҳат ҳужжатларга кўз югуртираркан.

— Қанча беришим керак? — деб тушунмаганга олди Абдуазиз ака.

Малоҳат ўрнидан туриб, у билан ҳовлига чиқди:

— Сизга ўтган сафар айтгандим-ку, 200 минг сўм олиб келинг деб. Хотинингизни пенсиясини кўпроқ қилиб ёзиб бераман. Ўзингизга яхши эмас-ми?

— Тўғри айтдингиз, кейинги сафар албатта олиб келаман, — деди ишонч билан Абдуазиз ака.

Ваъдага мувофиқ бу сафарги ташрифида Абдуазиз ака Малоҳат Маматқуловага 200 минг сўм пулларни узатди. Инспектор уни олиб, сумкасига солиб қўйди. Шу пайт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари келиб, М.Маматқуловани ашёвий далил билан қўлга олишди.

Суриштирув чоғида инспекторнинг яна бир айби очилиб қолди. У 2010 йилдан 2013 йилгача бўлган даврда пенсия тайинлаш борасида мурожаат қилган бир қанча фуқароларга ҳам нотўғри ҳисоблаш орқали ортиқча пенсия пули ҳисоблаб берган экан. Натижада давлат бюджетидан фуқароларга 5 млн. 405 минг сўм миқдорида ортиқча пенсия тўловлари тўланганлиги ҳам тергов жараёнида аниқланди.

Суд ҳукми билан Малоҳат Маматқулова 5 йил-у 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Шу билан бирга, энди у 3 йил давомида муайян, яъни моддий жавобгарлик билан боғлиқ мансабдорлик лавозимларида ҳам ишлай олмайди.

*Айрим фуқароларимиз суднинг қора курсисида ўтириб, қилмишига яраша жазо олган бўлсалар-да, бундан тегишли хулоса чиқармасдан, яна бошқа жиноятга қўл ураётганликлари ачинарли ҳолдир.*

# Жазодан хулоса чиқармаган валютафурушлар

Маъруфжон ЛУТФУЛЛАЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Яккабоғ туман бўлими бошлиғи

Жумладан, ўтган йили СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси ва Яккабоғ туман бўлими ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда муқаддам судланиб, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган Оқилжон Усмонов укаси Нодир (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Яккабоғ шаҳридаги "Истиқлол" деҳқон бозори МЧЖга қарашли машиналар тўхташ жойида фуқаро А.Тиллаевдан 100 АҚШ долларини 277 минг сўмга сотиб олишган вақтда ушланган.

Шунингдек, ака-укалар ёнидан номаълум фуқаролардан қонунга хилоф равишда сотиб олинган умумий қиймати 19 млн. 616 минг 694 сўмга тенг бўлган, жами 9296 АҚШ доллари, 6000 Россия рубли ва 2000 Қозоқ тенгеси ҳамда 3 млн. 854 минг сўмдан ортиқ пул маблағлари борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ака-укаларнинг жиноий қилмишлари учун суд ҳукми билан тегишли жазо тайинланди. Улар жиноятга жазо муқаррарлигига яна бир карра амин бўлишди. Умид қиламизки, улар энди қонун бўйича тайинланган жазодан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишади.

# Билмайин босдим тиканни...

Сарварбек САМАТОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Жалақудуқ туман бўлими
суриштирувчиси

Тонг саҳарлаб жиринглаган телефон овози Шерзод (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг уйқусини бузди.

— Эшитаман, — деди кафтининг орқаси билан эсноғини тўсган Шерзод.

— Укажон, тузукмисан, — опаси ҳол-аҳвол сўрагач, муддаога кўчди. — Шерзод, хабаринг бор, поччанг билан жиянларинг Россияда, Қозоғистонда ишлаб жўнатган пулларини жамғариб турибман. Қарасам, ҳали у, ҳали бу баҳона билан пулларнинг чўғи камайиб кетаяпти. Шаҳардан бирорта квартира олиб қўймасам, эртага атала алам қилади. Қолаверса, жўжабирдек жонмиз. Икки келиннинг бир ҳовлида муроса қилиши қийин, биттасини ўша ёққа чиқариб қўяман. Шунга битта уй маъқул келди, эгаси билан келишдик. У фақат ўзимизнинг пулга савдолашаман, менга доллар-поллар, евро-певро деманг, дейди. Бошим қотди, шунча пулни кўтариб юришни, алмаштиришни айт. Энди, ука, жамғарган пулимни олсанг-у, ўзинг бош бўлиб, алмаштирсанг. Камига ёнингдан қўшиб турарсан.

— Хўп опа, хижолат бўлманг, жигарчилик, бир-биримизнинг кунимизга ярамасак, нима қилиб юрибмиз...

Шерзод опасиникига боргунда, Соҳиба аллақачон 10 050 АҚШ долларини конвертга солиб қўйган экан. Йўл-йўлакай уйига яна бирров бош суқиб, жамғариб қўйган пулидан уй савдоси учун етмаган 4400 АҚШ долларини олди. Мўмай пул билан жамоат транспортида юришни ўзига эп кўрмай, "бойвачча" танишидан "Ласетти" русумли автомашинасини «нозик ишлар чиқиб қолди, узоғи билан тушгача қайтаман», дея сўраб олди.

У шаҳарга етиб келгач, бирорта банк муассасасида қўлидаги пулларни ўзбек сўмига алмаштирмоқчи бўлди. Лекин "қора бозор"даги нархнинг бу ердагидан анча юқори юришини ўйлаб, бу фикридан айнади. Сўнг Андижон шаҳар Олтинкўл кўчасидаги "Марказий деҳқон бозори"да 2700 АҚШ долларини ҳар бир АҚШ долларини 2765 сўмдан, жами 7 млн. 465 минг 500 сўмга алмаштирди. Бу орада бир кўҳликкина аёл ёнига келиб, долларнинг бугунги курсини сўради.

— 2765 сўм, қанча бор, синглим?

— 200 керак эди.

— Сананг.

Аёл сумкасидан 553 минг сўм чиқариб берди. Шерзод пулларни санаб олгач, аёлга 200 АҚШ долларини узатди.

У бир тахлам пулни олиб, энди машинаси сари юрган ҳам эдики, олдида нотаниш йигитлар пайдо бўлишди.

— Биз департамент ходимларимиз, — йигитлар ўзларини таништириб, гувоҳномаларини кўрсатишди. — Сиз фуқаро Обидова Раҳимага 200 АҚШ долларини ноқонуний сотганликда гумонланасиз.

Холислар ёрдамида вилоят департаменти биносига келган Шерзод нима қилиб қўйганини теранроқ англади. Бу ерда унинг ёнида 4090 АҚШ доллари ва 43200 сўм ўзбек сўмлари, у бошқарган машинада эса 7540 АҚШ доллари, 10 Россия рубли, 7 млн. 811 минг 100 сўм пуллар борлиги аниқланди.

Шерзод Даминов қонун доирасида тегишли жазосини олди.

*Яхши яшаш иштиёқи, пул топишга бўлган интилиш ёмон хислат эмас. Истиқлол берган имкониятлар туфайли кўплаб юртдошларимиз турли соҳаларда ишбилармонликларини намойиш қилиб, яхшигина даромад олмоқдалар. Шу боис барча хонадонлар замонавий жиҳозланган, аксарияти шахсий автомобилларга эга. Бундан фақат хурсанд бўлиш керак. Бироқ шундай кимсалар ҳам борки, бундайлар қандай бўлмасин пул топсам бас, бу йўл қонуниймми, ноқонуниймми, ўғрилик орқалими ё бошқами, фарқи йўқ, деб ҳисоблайдилар.*

# Зарар тўла қопланди

Алишер УММАТОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Жиззах вилоят бошқармаси матбуот гуруҳи катта
инспектори

"Қизилқум" ширкат хўжалиги маъмурияти 2009 йил 10 августда фуқаро Серик Бозоровга ишониб, уни қўйчилик бригадасига бош чўпон этиб тайинлайди. Моллар сонини кўпайтириш, наслини яхшилаш, қўйлардан қўзи олиш ва қоракўл тери етиштириш борасида яхшигина иш олиб бораётган бош чўпон 2013 йилга келиб ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қила бошлади.

2013 йил апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида С.Бозоров моддий жавобгарлигида бўлган ҳамда ўзига ишониб топширилган 202 бош совлиқни 22 млн. 220 минг сўмга, 94 бош қўзилагини ҳар бирини 105 минг сўмдан сотиб юбориб, ширкат хўжалигига умумий ҳисобда 33 млн. 640 минг сўмлик зарар етказади.

Тергов жараёнида ширкат хўжалигига етказилган зарар тўлиқ қопланди.

Қилмиш — қидирмиш, дейдилар. Агар Серик Бозоров ҳам бошқа юртдошлари каби яратиб берилган имконият ва имтиёзлардан, ишончдан тўғри фойдаланиб иш тутганида, бугун қилмишидан пушаймон бўлиб, суднинг қора курсисига келиб ўтирмаган бўларди.

Ушбу ҳолат юзасидан Серик Бозоровга нисбатан суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

# Иқтисодчининг «хизмат ҳақи»

*Баҳодир Мўминов ўрта махсус маълумотли бўлса-да, Қува туман молия бўлимида етакчи иқтисодчи вазифасида ишлаб келаётган эди. Шундай бўлса-да, у мартабага ҳам, яхшигина маошга ҳам қаноат қилмади. Ваҳоланки, бу йигит жамоада яхши мутахассис сифатида ҳам танилган эди.*

Камол ЮЛДАШЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Фарғона вилоят бошқармаси
матбуот гуруҳи катта инспектори

Унинг зиммасига мактаб, мактабгача таълим муассасалари, спорт мактабларининг йиллик смета харажатларини тузиш, иш ҳақи тарификацияларини ўрганиш, молия бўлими томонидан берилган қўшимча топшириқларни бажаришдек масъулиятли вазифа юклатилганди. Б.Мўминов ишини сидқидилдан, ҳалол бажариб юрса, мартабаси ортиши аниқ эди. Афсуски, у нафсининг ноғорасига ўйнади.

Б.Мўминовнинг ҳузурига таниши Ш.Эргашева илтимос билан келади. Бу аёл таниши бўлган М.Тўхтасиновани тумандаги Байналмилал қишлоғида жойлашган мактабгача таълим муассасасига тарбиячи вазифасига ишга киритиб қўйишни сўрайди.

— Иложини қиламиз, фақат боғча мудирасига озгина "узатиш" керак, — деди етакчи иқтисодчи Б.Мўминов.

Ш.Эргашева унинг "узатиш" деган сўзини тушунди. Шу сабабли:

— Қанча бўлади? — деб сўради ва кўнглидан "порасиз иш битмас экан-да!", деган ўй ўтди.

— 300 АҚШ доллари берса, бўлди, — деди Б.Мўминов ҳозиржавоблик билан.

Илтимоси қонуний йўл билан ҳал этилмаган Ш.Эргашева Б.Мўминовнинг тамагирлиги хусусида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ариза билан мурожаат қилди. Ўтказилган тезкор тадбирда Ш.Эргашевадан махсус кимёвий ишлов берилган 200 АҚШ доллар ва 140 минг сўм пулни олган етакчи иқтисодчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди.

Суд мажлисида судланувчи Б.Мўминов айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини айтди. Шунингдек, Ш.Эргашевадан олган пулларни бирор шахсга бермоқчи бўлмаганлиги, бу пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатмоқчи эканлигини ҳам айтиб ўтди.

Фирибгарлик қилиб, ўзгалар мулкини қўлга киритиш мақсадида тамагирлик қилган бу шахснинг қилмишига яраша суд ҳукми билан жазо тайинланди.

Хулоса қиладиган бўлсак, халқимизда "барака — қаноатда" деган ибратли нақл бор. Б.Мўминов ҳам энди яхши кунига қаноат қилмагани учун афсус чекаётган бўлса керак.

# Тўққиз кунлик «маъшуқа»



**Рустам НОРЧАЕВ,**
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим АМИБ катта терговчиси
**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
«Huquq»

### "Tico" ҳайдовчиси

Навқирон ёш деганда, аслида инсоннинг айни кучга тўлган даври — 20-30 ёшлар оралиғидаги вақт тушунилади. Бу даврда ақл-идрокли одам ўзининг инсоний фазилатлари билан жамиятда ўрин ва мавқега эришади, келажагига мустаҳкам пойдевор қўяди, ёмон одатлардан тийилиб, масъулият, бурч деган тушунчалар моҳиятини чуқур англайди. Бироқ, ҳамма ҳам бу ёшда бундай фазилатларга эриша олмаслиги мумкин. Баъзан шундай кимсалар учрайдики, улар ўз ҳузур-ҳаловати, айш-ишрати йўлида ҳамма нарсадан воз кечади.

Косон туманининг Нартибаланд маҳалласида яшовчи Жамшид Патиев гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланганлиги учун жиноят ишлари бўйича Касби туман судининг 2008 йил 15 августдаги ҳукми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. ЖИБ Муборак туман судининг 2010 йил 20 октябрдаги ажримига кўра, ўталмай қолган жазо муддати ахлоқ тузатиш иши жазоси билан алмаштирилди. Унга нисбатан қўлланилган бу инсонпарварлик акти ўз хатосини мулоҳаза қилиб кўриши учун имконият эди.

Муқаддам судланган, аммо шартли равишда муддатидан илгари озодликка чиққан Жамшид ахлоқан ўзгаргандек бўлди. Аммо у 3 нафар фарзанднинг отаси бўлса-да, шу кунгача бирор тайинли ишнинг бошини тутмаганди. Рўзғор тебратиш, бола-чақа боқиш учун эса ишлаш керак. Жамшид Патиев ўйлаб ўтирмай, киракашлик билан шуғулланишга аҳд қилди. Аммо машина бошқариш учун унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ эди. Таваккал қилиб, таниши Қосим Раҳмоновга тегишли "Tico" русумли автомашинани оғзаки келишув асосида ижарага олиб, "Косон-Қарши" йўналиши бўйича қатнай бошлади.

### Илк учрашув

2013 йил 21 июль. Жамшид одатдагидек Еркўрғон бозори олдида мижоз кутиб турарди. Жазирама иссиқда тирик жон борки, ўзини сояга урган. Жамшид эса сўнгги мижоз келса, йўлга отланишга шай. Сўнгги мижоз ўзини "Гули" деб таништирган Севара Хуррамова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бўлди. Аёл машинага ўтиришидан олдин ёнида пули йўқлиги, кира ҳақини манзилга етганидан сўнг тўлашини айтди. Машина йўлга чиқди.

Йўлнинг тафтини суҳбат олади. Йигит ҳам бу ақидага амал қилиб, йўловчиларни суҳбатга тортди. Аммо бошқа йўловчиларга қараганда, Гулининг қарашлари унинг эътиборини ўзига жалб қилди. Жамшид негадир бу жувон билан гаплашгиси келди. Қисқа-қисқа суҳбатлардан сўнг яхшигина "чиқишиб" ҳам олишди. Йигит жувонга қочирим гаплар қилиб, унинг қаерга, нима мақсадда бораётганлигини билиб олди. Суҳбат давомида Жамшид учун аёлнинг турмушдан ажрашгани, Қарши шаҳридаги тамаддихоналардан бирида ишлашини билиб олиш қийин кечмади. Манзилга етгач, Гули унга телефон рақамини қолдириб, машинадан тушди. Кира ҳақини эса аёлни кутиб олган йигит тўлади.

Жамшид бу аёлни одатий йўловчи сифатида ҳам кўриши мумкин эди. Аммо имонининг сустлиги ва бегона аёлларга суяги йўқлиги сабабли, Гулига қўнғироқ қилиш фикри билан йўлида давом этди.

Шарқ алломалари қалбни инсон танасининг подшоҳи сифатида баҳолашган. Инсоннинг маънавий олами, қалбининг пок бўлиши унинг ташқи олами поклигига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Эгри йўлга бош суқиш, нопок қадам ташлашнинг гуноҳи оиланинг парчаланишига, ҳалол ва ҳаромнинг аралашиб кетишига сабаб бўлади.

Уйда аёли туриб, кўчада баъзи енгилтак аёлларни кўрганда оғзининг суви қочадиган эркакнинг на оилада, на жамиятда ўрни бор. Динимизда ҳам, қонунларимизда ҳам зинокорликка йўл йўқ. Алломаларимиз шайтоний нафсни енга олган кишигина комилликка эриша олади, дея таъкидлашган. Афсуски, Жамшид Патиев бундай тушунчалардан буткул бехабар эди. Кўча-кўйда бузуқ ишларни қилиб, уйга қайтишдан ҳам ор қилмас, зинокорликнинг нақадар жирканчлигини тушунишни истамасди.

### Фаҳш ботқоғи

2013 йил 25 июль. Жамшид Гулини унутмаганди. Кеч тушиб, уйига қайтиши керак бўлса-да, унга телефон қилди. Аёл Косон туманида эканини айтгач, у билан учрашишга келишиб олди. Четдан қараганда учрашув самимийдек туюлса-да, аммо иккисига ҳам шаҳвоний истак тинчлик бермасди. Оқшом чўкиб, атроф тинчигач, тумандаги 94-умумтаълим мактаби рўпарасида қурилаётган иморат ичига кириб кетган икки кўланкани биров пайқади, биров эса йўқ...

Муқаддас Қуръони Каримда зино покиза булоқдан юз ўгириб, ифлос балчиққа ўзини уриш, дея таърифланади. Шунингдек, зинокорнинг ҳаракати насл-насабнинг бузилиши, аралашиб кетишига сабабчи бўлади. Бу эса инсониятга қарши жиноят қилиш билан баҳоланади.

Эркак ёки аёлнинг эгри йўлга юриши бу — оилага хиёнат. Оилага хиёнат қилиндими, демак, жамиятга ҳам хиёнат қилинган ҳисобланади. Зинокорлик ортидан эркак уйига касофат олиб киради. Рўзғоридаги баракани йўққа чиқаради. Фарзандлари олдида обрўйини йўқотади. Шаҳвоний нафс қурбони бўлган Жамшид кейин ҳам ўзини бундай ҳаром йўлдан қайтара олмади, "маъшуқаси"ни тез-тез дараклаб турадиган бўлди. Гулдек хотини, фарзандларини унутиб, фаҳш ботқоғига тобора чуқурроқ ботиб бораверди. Кун келиб бу қилмиши қанчалар аянчли якун топишини хаёлига ҳам келтирмади.

### Кийимдаги доғ

2013 йил 30 июль. Ўйинга берилиб, билярдхонада анчагача қолиб кетган Жамшид Гулига қўнғироқ қилиб, унинг қаердалигини сўради. Аёлнинг яқин жойдалигини билгач, машинасига ўтириб, унинг ёнига ошиқди. Бу пайтда Гули дугонаси "Юля" билан уни кутиб турарди. Гулининг илтимосига кўра, Юляни Қарши шаҳрига олиб бориб қўйиши керак эди. Жамшид айланиб келиш баҳонасида уларни машинасига ўтқазди. Юля тушиб қолгандан кейин икки "ошиқ-маъшуқ" тамадди қилиш учун егулик ва спиртли ичимлик сотиб олишди. Жамшид яқинлашаётган "висол" онларининг хаёли билан маст эди. Иккови машина салонида овқатланиб, озгина суҳбатлашишди. Спиртли ичимлик таъсиридан Жамшид бироз сархуш эди. Шундай бўлсада, машина рулини Косон туманининг Гувалак қишлоғи томон бурди. Тун ярмидан оққани учун қишлоқ ҳудудидан ўтадиган канал бўйида тўхтаган машинани ҳеч ким сезмади. Атрофда чигирткаларнинг чириллаши-ю, қишлоқ итларининг безовта ҳуришидан бошқа овоз эшитилмасди.

Бора-бора одатий ишқ ўйинлари жонига тега бошлаган Жамшид билан Гули ўртасидаги "ошиқ-маъшуқ" ҳақидаги "ширин" суҳбатлар энди жанжалга айланди. Сархуш йигит жувоннинг оғзидан чиқаётган турли гапларни эшитиб, ўзини ҳақоратлангандек ҳис этди. Кимлигини кўрсатиб қўйиш мақсадида унга зўрлик ишлата бошлади. Ўлдириш билан қўрқитиб, юзига шапалоқ тортиб юборган эди, Гули жон ҳолатда машинадан тушиб қочмоқчи бўлди. Аммо йигит чапдастлик билан уни ерга йиқитди. Аёлнинг қичқириғидан хавотирга тушиб, бошига тош билан урди. Зарба кучидан аёл тинчиб қолди. Унинг бошидан сизиб чиққан қонни кўриб, Жамшиднинг ҳуши ўзига келди ва жиноий қилмишини яшириш учун Гулининг жасадини каналга ташлаб юборди.

Тонг бўзариб ота бошлади. Йигит шоша-пиша машинага ўтириб, уйига ошиқди. Кийимларини алмаштириб, хотини, бола-чақасини олиб келиш учун қайнонасиникига йўл олди. Уйларига келгач, хотини эрининг қон теккан кийимларини кўриб, сабабини сўради. Жамшид кўчада жанжаллашиб қолганлигини баҳона қилиб, кийимларини тозалаб ювишни буюрди. Аммо қон доғларини кетказишнинг иложи йўқ эди.

### Ҳаё ва ибо тимсоли

Уят ўлимдан қаттиқ, дейди халқимиз. Бу мақол моҳиятини аксарият аёлларимиз чуқур ва теран тушунадилар. Момоларимиз ҳаё ва номусни қалб тумори деб билишган. Уруш йилларида эридан қорахат келиб, бир умр бевалик азобини тортган аёллар учун ҳаёсизлик ўлимга тенг ҳисобланган. Зеро, ҳаё кетса, қайтмайди. Момоларимиз қаҳатчилик замонида ҳам шармсизлик кўчасига киришдан кўра, очдан ўлмоқликни афзал билганлар. Қолаверса, турмушидан бахт топмаган, ҳаётнинг зарбасига учраб, турмуш ўртоғидан ажрашишга мажбур бўлган аёллар учун поклик ҳар нарсадан устун ҳисобланган.

Келинг, марҳума Севара Хуррамованинг тақдирига бир назар ташлайлик. Марҳуманинг онаси суддаги кўрсатувида қизининг турмушида бахти кулмагани, бир нафар фарзанди билан уларнинг уйида яшаганлигини таъкидлади. Шунингдек, қизининг Қарши шаҳридаги тамаддихоналардан бирида ишлашидан, бегоналарга ўзини "Гули" деб таништиришидан ҳам хабардор экан. Албатта, ўзбекона қарашларимизга кўра, рўзғоридан тиниб-тинчимаган, ажрашгач, боши очиқ бўлган қизнинг онасига жуда қийин. Қийин томони шундаки, энди она қизининг ортидан бирор иснод келишидан, номи ёмонотлиқ бўлиб қолишидан хавотирланиб яшайди. Унинг бебахтлиги бошқа фарзандларининг тақдирига таъсир қилишидан хавотирланади. Шунинг учун қизига нисбатан жуда эҳтиёткор ва эътиборлироқ бўлиб қолади.

Ҳаётда Севара сингари бахти кулмаган аёллар йўқ эмас. Агар уларнинг барчаси бузуқлик кўчасига кириб кетаверса, унда биз таърифлашдан чарчамайдиган, ибо ва ҳаё маликалари дея кўкларга кўтарган аёлнинг қадри қолармиди?! Севарани номақбул йўлга кириб кетишга нима мажбур қилди?

Севара турмушидан ажрашган бўлса-да, аввало, у она эди. Ўғлининг бахтли келажаги учун ҳам ҳалоллик ва покизаликда унга ўрнак бўлмоғи лозим эди. Ҳаром луқма аралашган жойда фалокат бўлишини англаши, бу ақидага амал қилиши керак эди. Шуни унутмаслик керакки, аёл, аввало, оила мустаҳкамлиги, фарзандининг бахти, камоли учун қайғуради. Шу сабаб, турмушнинг барча зарбаларига дош беради, уларни мардонавор қарши олади. Шундагина аёллик мартабасига, оналик бахтига эришади.

### Ҳукм ўқилди

Телефон орқали Севара билан боғлана олмаган она ундан хавотир ола бошлади. Қизи билан ишлайдиганлардан сўраб-суриштиришга тушди. Афсуски, бирор тайинли жавоб ололмади. Телефон эса ўчирилган.

2013 йил 1 август куни она умид билан яна қизининг телефонига қўнғироқ қилди. Гўшакни бегона одам кўтарди ва унга Қарши шаҳридаги Еркўрғон бозорига келишни сўради. Бир кўнгилсизликни сезган она кичик қизини олиб, айтилган жойга етиб борди. Ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари деб таништирган кишилар уларни Қарши шаҳар суд-тиббиёт экспертиза бўлимига олиб боришди.

Тезкор-қидирув натижасида қотил Жамшид Патиев эканлиги маълум бўлди. Жамшид ўзини оқлашга ҳар қанча уринмасин, тўпланган далиллар ва экспертиза хулосалари унинг айбдор эканлигини исботлаб турарди. Мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича вилоят судининг мажлисида кўрилиб, Жамшид Патиевга нисбатан узил-кесил 19 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Тўққиз кун давом этган ишқий саргузашт шу тариқа якун топди.

### Сўнгги сўз

Бузуқлик кўчаси. Бу кўчанинг ҳар бир қаричида фаҳш, наҳс ва разолат ҳукмрон. Бу кўчага бош суққанинг ўзиёқ киши маънавиятини емиради. Ҳалокатга етаклайди. Покиза туйғуларидан маҳрум этади. Бу кўчанинг "бек" ва "бека"ларини юзсиз, имонсиз, ўз тақдирларини ўз қўллари билан қабоҳат ботқоғига отганлар сафида кўриш мумкин. Бу кўчага кирган киши юзи қаролик тамғаси билан яшашга маҳкум. Шунинг учун ҳам бобо ва момоларимиз бу кўчага қарашдан ҳам ҳазар қилганлар, авлодларининг маънавий поклигига катта эътибор қаратганлар. Ушбу жиноий ишни батафсил баён қилишдан мақсадимиз, бузуқлик ва нопокликнинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини яна бир карра газетхонлар ёдига солиш, маънавий покликнинг ҳар нарсадан устун эканлигини таъкидлашдир.

# Ажал машинаси



**Азизбек НАЗАРОВ,**
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

***2011 йилнинг 12 ноябрь куни соат 21:30ларда Зангиота туманида жойлашган "Ғиштқўприк" божхона-чегара масканига етиб келган "Mersedes Benz 180-С" русумли автомашина чегарадан ўтиб, ўз оиласи ёки қариндош-уруғлари олдига ошиқаётган йўловчиларни манзилига етказишга хизмат қиладигандек эди. Бироқ, машинадан тушиб, мижоз кутаётган икки оғайнининг мақсадлари ўзгача, улар авваллан режалаштириб олинган жиноий мақсадларини амалга ошириш учун пайт пойлашарди.***

Бу икки навқирон, билаги кучга тўлган, тоғни урса талқон қилгудек йигитлар ҳалол меҳнат қилиб, пул топиш ўрнига, зўравонлик, босқинчилик, қотиллик ортидан келадиган мўмай даромад "иси"дан сармаст эдилар. Улар ўз режаларини рўёбга чиқариш учун ёлғиз аёлларни кўз остиларига олишган эди.

"Ўлжа" ҳам кўп куттирмай, кўриниш берди. Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистонга ҳамроҳсиз ўтиб келаётган чимкентлик Тамила Адилова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уларнинг эътиборини тортди. Ёлғиз аёлга пешвоз чиққан йигитлар, ундан қаерга боришини сўрашди ва бироз савдолашганларидан сўнг Тамилани манзилига элтиб қўядиган бўлишди. Т.Адилова ўш адамда ўзи ўтираётган автоулов "ажал машинаси" эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Машина ўт олгандан сўнг, йўловчи манзилига эсон-омон етиб олишни ният қилган бўлса, Полат Бердалиев ва Абдусеит Ормановлар режалари хамирдан қил суғургандек осон амалга ошишини ўйлашарди. Айтилган манзил томон йўлга чиққан машина кўп ўтмай йўналишини ўзгартирди-да, айланма йўллар орқали Оҳангарон туманининг Шодмалик ота қишлоғи ҳудудидан ўтган Тошкент-Олмалиқ автомобил йўлига чиқиб олди. Қоронғу бўлганлиги сабабли Тамила қандай йўналиш бўйича кетишаётганини тушунмай ҳам қолди.

Анчагина юрганларидан сўнг Полат рулни дала томон бурди. Автоулов катта йўлдан 60-70 километрча пастликка тушиб келиб, тўхтади. Кимсасиз жойга келиб қолганларидан ҳайрон бўлган Т.Адилова қаердаликларини сўрашга улгурмади. Йигитлар унга тўсатдан ташланиб қолишди. Табиийки, ожиза икки йигитнинг ҳужумини бартараф этишнинг уддасидан чиқа олмади. Полат билан Абдусеит Тамилага нисбатан зўрлик ишлатиб, номусига тажовуз қилишди.

Кўринишидан одамга ўхшаса-да, аслида ҳайвондан ҳам баттарроқ бўлган бу кимсаларнинг тажовузидан номуси ноимол бўлган аёл ҳали ўзига келиб улгурмасдан нафаси бўғилиб, типирчилай бошлади. Аммо бўйнига солинган сумка боғичидан қутулишга қуввати етмади. Кўп ўтмай, уйига ошиқаётган аёлнинг жони узилди.

Шундан сўнг режанинг асосий қисмини адо этишга киришган йигитлар марҳумага тегишли нархи 250 минг сўмлик "Samsung DUOS" русумли уяли телефон аппарати ва 4 минг қозоқ тенгесини қўлга киритиб, жиноят изини яшириш мақсадида мурданинг фуқаролик паспортини ва унинг ёнида бўлган қизининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси билан бирга ёқиб юборишди.

Мурданинг ёнаётганини томоша қилаётган йигитларнинг қалбида заррача бўлса-да, пушаймонликдан асар йўқ эди. Аксинча, эҳтиёжлари қонганидан мамнун, ишшайиб турияшарди.

Биринчи овнинг бароридан келиши уларнинг иштиёқини ошириб юборди. Орадан 17 кун ўтиб, аниқроғи 29 ноябрь куни "ажал машинаси" яна божхона-чегара масканида пайдо бўлди. Бу сафар уларга чегарадан ёлғиз ўтиб келаётган Маҳбуба Раймова рўпара бўлди. Ўзларини киракашдай тутган йигитлар аёлни ўртага олиб, қаерга бормоқчилигини сўраш баробарида, йўлкира борасида савдолаша кетишди. Йигитлар узоқ тортишиб ўтирмай, савдони пиширишди. Сергели тумани Қўйлиқ-5 мавзесидаги хонадони томон ошиқаётган Маҳбуба ўзини олдинда қандай "саргузашт"лар кутаётганидан бехабар автоуловга ўтирди ва учовлашиб йўлга тушишди.

Полат йўловчини чалғитиш учун рулни айланма йўлларга буриб, юра-юра, Юқори Чирчиқ туманидаги фермер хўжаликларидан бирининг пахта даласи четига келиб тўхтади. Ҳеч кимса йўқ, атрофни зулмат қоплаган жойга келиб қолганликларини кўрган М.Раймова ўзини икки йиртқич бўри қаршисида ожиз қолган қўзичоқдек ҳис этарди. Йигитлар унга ташланиб, 44 ёшли аёлнинг ялиниб-ёлворишларига қарамай, зўрлик ишлатиб, машинанинг ичида номусини топташди.

Фарзандлари қатори йигитларнинг бу қадар тубан кетиб, қабиҳликка борганидан хўрлиги келиб, йиғлаётган аёл бу ҳали ҳаммаси эмас эканлигини ўйлашга ҳам улгурмади. Жоҳиллар ўзлари билан олиб келган арқонни ишга солиб, йўловчи аёлни бўғиб ўлдиришди ва марҳумага тегишли 50 минг сўм ҳамда 700 АҚШ дўллар пулларини олиб, мурдани фуқаролик паспортига қўшиб ёқиб юборишди.

Бундай қабиҳ ишларни амалга оширишда дийдаси қотиб, аста-секин "малакаси"ни ҳам ошириб бораётган қотиллар 3 декабрь ва 7 декабрь кунлари "овга" чиқиб, Наима Бекпўлатова ҳамда Нурпошша Мирзаеваларни ўз усуллари бўйича ўлдириб, моддий бойликларини ўзлаштиришди.

Божхона-чегара масканига бораверишиш жонларига теккан шекилли, кейинчалик "ажал машинаси" пойтахт кўчаларида пайдо бўлди.

28 декабрь соат 18:30ларда икки оғайни "мижоз" излаб, кўчаларни айланиб юришарди. Бу сафар уларга Тошкент шаҳридаги "Perfectum Mobile RWC" хорижий уяли алоқа компаниясининг биноси ёнида такси кутаётган Руқия Раметова дуч келди. Рўпарасига келиб тўхтаган "Mersedes Benz 180-С" русумли машинанинг ҳайдовчисидан Р.Раметова Миробод тумани Д.Кунаева кўчасига олиб бориб қўйишни сўради ва нархини келишиб, машинага ўтирди. Полат бу сафар йўловчини адаштирмай, машинани айтилган манзил томон ҳайдади. Бироқ, машина кўзланган жойга етмай, кўп қаватли уйларнинг кимсасиз ҳовлисига қараб бурилди. Атрофга аланглаган қотиллар ҳеч ким кўринмаётганига ишонч ҳосил қилишди-да, "ишга киришишди". Инсон қиёфасидан чиқиб улгурган кимсаларнинг кутилмаган ҳаракатларидан йўловчи қиз ўзини йўқотиб қўйди. Нима бўлаётганини англашга ҳам улгурмай, "киракаш"ларнинг қурбонига айланди. Қизни ўзларининг "сценарий"лари асосида аввал зўрлаб, сўнг бўғиб ўлдиришди. Ҳар сафаргидек, марҳумага тегишли бўлган мол-мулкларни, жумладан, 500 минг сўмлик уяли телефон аппарати, 420 минг сўмлик тилла занжир, 3 млн. 169 минг 500 сўмлик 3 дона тилла узук, 405 минг сўмлик тилла кулон, жами 4 млн. 494 минг сўмлик молмулкларини қўлга киритиб, мурдани машинанинг юкхонасига жойладилар-да, воқеа жойидан яширииндилар.

Энди қандай қилиб бўлмасин, машинадаги жасаддан қутулишнинг йўлини топиш керак эди. Ахир шаҳарда даладагига қаби мурдани ёқиб юбориб, жиноят изини осонгина йўқ қилиб бўлмасди-да! Қотиллар Р.Раметованинг жонсиз танасини Миробод тумани Қўйлиқ-1 мавзесидаги автогаражлар олдига ташлаб кетишди.

2011-2012 йилларда Тошкент вилояти ва пойтахт ҳудудидан 7 нафар, Қозоғистон Республикасида эса 4 нафар, жами 11 нафар аёлнинг мурдалари қотиллик аломатлари билан топилган эди. Маълум бўлишича, уларнинг барчаси инсонийлик қиёфасини йўқотган мана шу икки йигитнинг "ўлжа"сига айланишган экан.

Ожизаларга зўрлик ишлатиб, аёллик номуси, иффатини оёқ ости қилган, босқинчилик йўли билан моддий бойликларини эгаллаб, жонига қасд қилгач, мурдани хўрлаган қотиллар вахшиёна қилмишлари учун қонун олдида барибир жавоб беришларини ўйламаган бўлсалар керак. Уларнинг содир қилган жиноятларини фош қилиш, қотилларнинг шахсини аниқлаш борасида тергов ҳаракатлари бироз қийин кечса-да, барча зарур процессуал ҳаракатлар ўз самарасини берди. Хусусан, тергов ҳаракатлари давомида икки мингдан ортиқ шахслар гувоҳ тариқасида сўроқ қилинди, 500 дан ортиқ "Mersedes Benz" русумли автомашина эгаларининг жиноятга алоқадорлиги текширилди, ҳодиса жойидан олинган ашёвий далиллар юзасидан 500 дан ортиқ турли экспертизалар ўтказилди, гумондор шахсларнинг яшаш хонадонлари ҳамда автомашиналарда 100 дан ортиқ тинтув ва кўздан кечириш амалга оширилди, уяли алоқа компанияларига тегишли эллик мингдан ортиқ рақамлар таҳлил қилинди. Бунинг натижасида фуқаро П.Бердалиев ушбу жиноятни содир қилишда гумон қилиниб, унинг яшаш хонадони ва автомашинаси тинтув қилинганида қотиллик қурбони бўлган аёлларнинг буюмлари топилди.

Шу билан бирга, кенг қамровли тергов ҳаракатлари натижасида жабрланувчиларга тегишли бўлган тилла буюмлар ва уяли телефон аппаратларини харид қилиб, улардан фойдаланиб келаётган шахслар ҳам аниқланиб, буюмлар олиб қўйилди ва жабрланувчилар яқинларига қайтарилиши таъминланди.

Қотиллик қурбони бўлган жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан судга даъво аризаси киритилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди Абдусеит Ормановга умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Полат Бердалиев эса қонун ҳукмидан қочиб қутуламан, деган ўй билан яширинишга ҳаракат қилди. Аммо у қўшни мамлакат ҳудудида қўлга олиниб, жиноят ишлари бўйича Жанубий Қозоғистон вилоят судининг ҳукми билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этилди.

Қозоғистон Республикаси Бош прокуратурасининг П.Бердалиевни тергов ҳаракатлари ўтказиш учун 3 ой муддатга Ўзбекистон Республикасига вақтинчалик экстрадиция қилишга рухсат берган хатига кўра, П.Бердалиев мамлакатимизга олиб келинди ва унга нисбатан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари тикланиб, жиноят иши айблов хулосаси билан судга тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукми билан П.Бердалиевга ҳам умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

**Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2014 йил 24 мартда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.**

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— ушбу "объектлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
— харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2014 йил 24 март куни соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2014 йилнинг 31 март ва 7, 14, 21 апрель кунлари соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

**Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.**

### Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат объектлари рўйхати

| № | Объект номи | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.) | Объект манзили | Балансда сақловчи | ПК/ВМҚ | Савдога чиқарилган нархи (сўмда) | Инвестиция мажбурияти (млн. сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бино ва иншоотлар | 797,0 | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 555-уй | Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти | 25.06.2013 № 209 | 703 986 636,00 | -энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; -қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида) | |
| 2 | 2 қаватли бинонинг 1 қаватидаги умумий майдони 79 кв. метрга тенг қисми | 79,00 | Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Сайхун кўчаси, 19-уй | Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти | 25.06.2013 № 209 | 72 672 000,00 | | |

Хизматлар лицензияланган

## Диққат! Диққат! Диққат!
## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси оммавий оферта савдоларига таклиф этади. Қуйидаги давлат активлари бўйича оммавий оферта эълон қилинади:**

| Объект номи | Юридик манзили | Балансда сақловчининг номи | Объект тавсифи | Бошланғич нархи (сўмда) | Балансда сақловчининг фаолият ихтисоси | Инвестиция ва бошқа мажбуриятларининг энг кам ҳажми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Вазирлар Маҳкамасининг ВМ-120-сонли қарорига асосан хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар** | | | | | | |
| Эски "Шийпон" биноси | Тошкент вилояти, Пискент тумани, И.Хайдаров ФХУ худуди | Пискент тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А.Темур кўчаси | Ер майдони 0,20 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 214,58 кв.м. | 22 284 000,0 | Маъмурий бошқарув | - |
| собиқ 10-сонли умумий ўрта таълим мактаб биноси | Тошкент вилояти, Пискент тумани, Оқтепа ҚФЙ ҳудуди | Пискент тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А.Темур кўчаси | Ер майдони 0,42 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 715,52 кв.м. | 69 339 200,0 | Маъмурий бошқарув | - |
| Собиқ 3-сонли умумий ўрта таълим мактаб биноси | Тошкент вилояти, Пискент тумани, Дилафкор кўчаси | Пискент тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А.Темур кўчаси | Ер майдони 0,32 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 1355,67 кв.м. | 81 826 400,0 | Маъмурий бошқарув | - |
| **Вазирлар Маҳкамасининг ВМ-154-сонли қарорига асосан хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар** | | | | | | |
| Собиқ болалар боғчаси бино ва иншоотлари | Юқоричирчиқ тумани, "Арганчи" ҚФЙ, Ободон маҳалласи | Юқоричирчиқ туман ҳокимлиги | Ер майдони 0,646 га. биноларнинг қурилиш ости майдони 927,95 кв.м. | 721 687 500,0 | Маъмурий бошқарув | - |
| 27-сонли болалар боғчаси биноси | Ўртачирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ, Янгиобод маҳалласи | Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги | Ер майдони 0,81 га,. биноларнинг қурилиш ости майдони 1862,73 кв.м. | 458 016 000,0 | Маъмурий бошқарув | - |
| **Вазирлар Маҳкамасининг ВМ-256-сонли ҳамда ВМ-207-сонли-сонли қарорларига асосан хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар** | | | | | | |
| Гараж, устахона ва омборхона бинолари | Тошкент вилояти, Паркент тумани, Чанги қишлоғи | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Қуёш қўрғони | Ер майдони 1,57 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 988,49 кв.м. | 182 735 200,0 | Илмий изланишлар олиб бориш | 102 500,0 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш. |

**Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари:**

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Сотувчининг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Ғазначилик ҳисоб рақами: 20042186026266000000000002 СТИР: 200555539

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҲККМ ҳ/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 МФО: 00014;

